



**PROCEEDINGS OF INTERNATIONAL CONFERENCE  
"MODERN PROBLEMS OF ECOLOGY AND  
ENVIRONMENTAL PROTECTION AND  
BIOTECHNOLOGY"**

JUNE 15-16, 2022 Y., TASHKENT, UZBEKISTAN

**МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
«СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЭКОЛОГИИ И  
ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И  
БИОТЕХНОЛОГИИ»**

15-16 ИЮНЯ 2022 Г., Г. ТАШКЕНТ, УЗБЕКИСТАН



**Global environmental problems and ways to solve them,  
world experience and trends**  
**Глобальные экологические проблемы и пути их  
решения, мировой опыт и тенденции**



**Interaction between man and the biosphere:  
environmental aspects of nature management**  
**Взаимодействие человека и биосферы: экологические  
аспекты природопользования**



**Innovative approaches in modern biotechnology and  
ecology**  
**Инновационные подходы в современной  
биотехнологии и экологии;**



**Ecobiotechnological educational technologies.  
Экобиотехнологические образовательные  
технологии.**

5. Kennedy CJ, Rudnick P, MacDonald ML, Melton T. (2007) Genus III. *Azotobacter* Beijerinck 1901. In Bergey's Manual of Systematic Bacteriology: 2: Part B The Gammaproteobacteria. Garrity G, Brenner DJ, Kreig NR, Staley JR. (Eds) Springer, New York, London. p385–409.

## **АҲОЛИНИНГ ҚУДУҚ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЭКОЛОГО ГИГИЕНИК АСПЕКТЛАРИ**

Шеркўзиева Г.Ф., Самигова Н.Р., Бобоева И.Ў., Умуров Ш.С.  
Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон

Жаҳонда сув истеъмоли миқдори борган сари ўсиб бормоқда. Жумладан 1950 йилдан 1990 йилгача сув истеъмоли 2-2.5 баравар ўсиб 300 км<sup>3</sup> ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги вақтда ер шарида йилига ичимлик мақсадида истеъмол қилинаётган сув миқдори 500 км<sup>3</sup> яқинлашди. Аҳолининг сони 5 миллиарддан ортиб, бир минутлик сув истеъмоли 4 минг м<sup>3</sup> ни ташкил этмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида тоза ичимлик суви тақчиллиги долзарб масала бўлиб турган бир вақтда, мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Республикамизда қишлоқ аҳоли яшаш жойларида ичимлик суви билан таъминланиш ҳолати ўртача 48% га тенгдир. Республикамизда марказлашган сув таъминоти 257 та аҳоли яшаш пунктларида мавжуд. Республикамизнинг Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, ҳамда Самарканд вилоятининг ғарбий қисми, Жиззах, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларидаги аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги масалада ханузгача кўплаб муаммолар юзага келиб турибди. 1990 йилдан бошлаб Республикамиздаги шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида Давлат Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ана шу ўтган вақт мобайнида 13,5 минг км сув тарқатиш қувурлари етказилиб ишга туширилган. Ўтган йили 474 та сув иншооти қурилиб, 6 минг 300 километрга яқин тармоқлар тортилган, 592 та маҳаллада 2 миллиондан зиёд аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Шу боис, келгуси беш йилда бу соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, ичимлик суви таъминотини 90 фоиз, оқова сув қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилган. Жорий йилда бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади, 245 миллион доллар жалб этилади. Хусусан, 1 минг 545 та маҳаллада марказлашган сув тармоғи йўқ. Бугунги кунда 8 мингта сув кудуғидан 1 минг 500 таси яроқсиз ҳолатга келган. Оқибатда қарийб 800 та маҳалладаги 2 миллион аҳолининг сув таъминоти ёмонлашган. Сўнгги беш йил давомида аҳоли сув таъминотини яхшилаш бўйича 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 баравар кўп маблағ ажратдик. Бу даврда илк бор 6,5 миллион аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Энг муҳими, бу ишлар ҳисобига 1,5 миллион аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди. Юртимизнинг 104 та туманидаги 967 та МФЙ да 2721 та артезиан кудуқлари қазилди. Натижада 9742 гектар майдонни сув билан таъминлаш режалаштирилган эди, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 234 та МФЙ да 915 та артезиан кудуқлари қазилиши натижасида 2851 гектар майдонга сув чиқарилди. Қишлоқ аҳоли турар жойларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида республикамизда кучли қонунчили яратилган бўлиб, бунда қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш муҳим, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда энг аввало маънбани тўғри танлаш мақсадга мувофиқди, шунинг учун ҳар қандай ичимлик суви учун маънба танлаб олишда сувнинг сифати кўрсаткичлари давлат стандарти O`zDSt 951:2011 “Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик суви билан

таъминлаш манбалари, гигиеник, техникавий талаблар ва танлаш қоидалари” талабларига жавоб бериш шарт. Юқоридагилардан келиб чиққан холда биз кишлоқ аҳоли турар жойларини маҳаллий ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолати эколого гигиеник баҳолашни мақсад қилиб олдик. Нарпай туман аҳолисининг умумий сони 218100 ни ташкил этади. Шу жумладан Оқтош шаҳар аҳолиси 44748 ни ташкил этади. Туман ҳудудида 3та водопровод иншоатлари мавжуд, булар Бўстон МФЙ ҳудудидаги булоқ сувидан тортилган тармоқ, Тошкўприк ва Соҳибкор МФЙларда жойлашган артезиан қудуқлари. Коммунал объектлар сони 99 та, бўлиб ўтган йилга нисбатан 19 тага кўпайган. Туманда 14та маҳалла фуқоролар йиғини бўлиб, уларга қуйидагилар киради: Иттифок, Навоий, Ўзбекистон, Ғалаба, Нарпай, Зарафшон, Оқ – олтин, Бобур, Хамза, Хақиқат, Самарқанд, Улуғбек, Ибн Сино, Бўстон. Ушбу МФЙ лари таркибида 118 та маҳаллар мавжуд бўлиб, улардан 47 таси қудуқ сувлардан фойдаланадилар. 100 % қудуқ сувидан фойдаланадиган аҳоли яшаш жойларига Иттифок МФЙ даги Нўғай, Қозикент, Қорасийроқ, Навоий МФЙ даги Паст ургич, Ўзбекистон МФЙ даги Бешкал, Ғалаба МФЙдаги Пускарон, Нарпай МФЙ даги Шуркент, Зарафшон МФЙ даги Оғай, Жинлар, Урганжи аҳолиси Оқ – олтин МФЙ даги Янгисарой, Янгиқишлоқ, Кўк қарға, Оқ ота, Бошондоғ, Хақиқат МФЙ даги Аҳакчи, Ибн Сино МФЙ даги Чорбоғ, Уч ариқ, Жалаёр, Мугулкент, Тама аҳоли яшаш жойлари кирди. Қудуқ сувидан энг кам ёки фойдаланмайдиган аҳоли яшаш жойларига Иттифок МФЙдан Оқ қуш, Дедон ва Мирзавачча қишлоқлари, Навоий МФЙдан эса Тотувли, Қорача, Янги ариқ, Козоёқли, Хўжа, Чувилдоқ, Олти ўғил, Ўрта, Ургич Бўстон ва Қуш тепа қишлоқлари киради. Юқоридагилардан келиб чиққан холда шуни қайд этиш керакки қудуқ сувларидан фойдаланувчи аҳолини саломатлигини сақлашда уларнинг суви сифатини доимий равишда назорат қилиб туриш керак.

## **ПОЛЕЗНЫЕ СВОЙСТВА НЕТРАДИЦИОННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ**

Шодиев Д.А., Курбонов Х.А.

Ферганский политехнический институт, Узбекистан

В последние годы в стране проводятся последовательные реформы в области охраны лекарственных растений, рационального использования природных ресурсов, создания плантаций по выращиванию лекарственных растений и их переработке.

Из более чем 4300 растений, принадлежащих к местной флоре, 750 видов являются лекарственными, из них 112 видов зарегистрированы для использования в научной медицине, из них 70 видов активно используются в фармацевтической промышленности.

В стране разработаны передовые технологии глубокой переработки сельскохозяйственной продукции, производства полуфабрикатов и готовых пищевых продуктов, производства лекарственных препаратов для пищевой, фармацевтической и медицинской промышленности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан указано, что «углубление структурных преобразований и последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, существенное повышение экспортного потенциала аграрного сектора». определены функции. В связи с этим актуальны исследования, направленные на разработку технологий производства импортозамещающей продукции из местных лекарственных растений.

Амарант родом из Южной Америки и используется местными жителями в качестве культивируемого растения уже 8000 лет.

Позднее амарант распространился по Северной Америке, Индии и Азии, достигнув Китая. В настоящее время широко используется как зерновая и овощная

	Тоғаев С.А., Расулов Б.А., ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон	
270.	<b>АҲОЛИНИНГ ҚУДУҚ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЭКОЛОГО ГИГИЕНИК АСПЕКТЛАРИ</b> Шерқўзиёва Г.Ф., Самигова Н.Р., Бобоева И.Ў., Умуров Ш.С., Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон	520
271.	<b>ПОЛЕЗНЫЕ СВОЙСТВА НЕТРАДИЦИОННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ</b> Шодиев Д.А., Курбонов Х.А., Ферганский политехнический институт, Ўзбекистон	522
272.	<b>СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДЛАРИДА ЗАҲАРЛАНИШ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.</b> Каримова Н.Ж., Абдуллаева Н.С. Термиз давлат университети, Ўзбекистон	523
273.	<b>ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИНИНГ ЛАНДШАФТ ТУЗИЛИШИ ВА ЭКОТИЗИМИНИНГ XX АСР ВА XIX АСР БОШЛАРИДАГИ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА</b> Исомиддин Ё., Тошкент Кимё-технология институти Янгиер филиали, Ўзбекистон	526
274.	<b>МАМАЛАКАТИМИЗДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b> Қўлдош Аҳмедов, Тошкент Кимё-технология институти Янгиер филиали, Ўзбекистон	527
275.	<b>МЕЛАМИН ФОРМАЛЬДЕГИД СМОЛАСИНИ МОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛИ</b> Юсупов Қ.М., Эркабаев Ф.И. <sup>1</sup> ЎЗРФА Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон	529
276.	<b>АТМОСФЕРА ХАВОСИНИ ДИСПЕРС ЗАРРАЧАЛАРДАН ТОЗАЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАРИ</b> Мирзаев Н.А., Фарғона политехника институти, Ўзбекистон	530
277.	<b>ОСОБЕНОСТИ ПРОЦЕССОВ МИГРАЦИИ ПЫЛЕВЫХ ЧАСТИЦ РМ 2.5 И РМ 10 И 15 ПРИОРИТЕТНЫХ ГРУПП ПАУ, В УСЛОВИЯХ ДЛИТЕЛЬНОГО ЭФФЕКТА АВТОТРАНСПОРТНОЙ НАГРУЗКИ. НА ПРИМЕРЕ ТЕРРИТОРИИ КАМПУСА РУДН</b> Жандос Д.К. Институт экологии, Российского университета дружбы народов Департамент экологической безопасности и менеджмента качества продукции, Россия	533
278.	<b>EKOLOGIK XAVFSIZ INGIBITORLAR TUZILISHINING IQ- SPEKTR TAHLILLARI</b> Mahammadiyev O.R., Beknazarov X.S., Soqiyeva Q.O', Toshkent kimyo texnologiya instituti, O'zbekiston	535
279.	<b>EKOLOGIK TA'LIM JARAYONINI RIVOJLANTIRISHUSULLARI</b> Xolbo'tayev O'.X. Jizzax Politexnika institute, O'zbekiston	537
280.	<b>SPIRT ISHLAB CHIQRISH JARAYONIDA CHIQRADIGAN OQOVA SUVLARNI TAHLIL QILISH</b> Zokirov M.M., Boboyev A.X., Toshkent kimyo-texnologiya instituti, O'zbekiston	539
281.	<b>ВОЗОБНОВЛЯЕМАЯ ЭНЕРГЕТИКА, ВОДОРОДНАЯ ЭКОНОМИКА И НИЗКОУГЛЕРОДНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РЕСПУБЛИКЕ КОРЕЯ</b> Ли Менг Су Институт общей и неорганической химии АН РУз, Узбекистан	541